



Мутахассислар янги ва замонавий ёндашувлар асосида танланади

Нарпай туманида вилоятдаги ҳудудий ҳокимликлар ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашлари котибияти мудирлари иштирокида "Кадрларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш жараёнига янги, замонавий ёндашувлар" мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.



Семинар Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илгари сурилган ғояларнинг моҳиятини ўрганиш билан бошланади.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари икчам ва самарали давлат бошқарувини шакллантириш режасига тўхтади, - деди вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Б.Раҳматуллаев. - Бу режа мамлакатимизда демократик жараёнларни янги босқичга олиб чиқади ва давлат бошқарувининг янада халқчиллигини таъминлайди. Шу сабаб биз ана шу масъулиятли ишни амалга ошириш йўлида олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, биринчи босқичда ҳукумат ва вазирликлар ислохот қилиниб, вазирликлар сони 61 тадан 28 тага қисқартирилади. Вазирликларнинг ўз соҳасида давлат сиёсатини юритиши бўйича масъулият ва ўрни оширилади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади. Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, "Ҳукумат кўни" ўтказилиши йўлга қўйилади. Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислохот қилинади.

Бу йил "Давлат фуқаролик хизмати

тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бундан буён давлат лавозимларига фақат танлов асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади. Ҳар йили 500 нафар мутахассис энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитилади.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади.

2023 йилдан ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар ҳусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполис, халқаро туризм ва бизнес маркази сифатида ўз ўрнини топтоқда. Шу боис Президентимиз Самарқанд шаҳрини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қилди.

Семинар қатнашчилари давлат бошқаруви идоралари ихчамлаштирилаётган, давлат фуқаролик хизматчиларига янги талаблар қўйилаётган бир шароитда ёшлар, фаол зиёлилар орасидан иқтидорли, замонавий кадрларни топиш, тарбиялаш, уларда фаолият кўникмаларини шакллантириш йўллари, муҳими, кадрлар танлашда ошқориликни таъминлаш ҳусусида фикр алмашдилар. Вакант ўринларга кадрларни очик мустақил танловлар асосида танлаш, фуқароларнинг тенг имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.



Ҳоким ўринбосари Тошкентга ишга ўтди

Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозинида фаолият олиб бораган Жамшид ўроқов республика Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари лавозинига тайинланди.

Кеча вилоят ҳокимлигида ҳокимлик, иқтисодий комплекс таркибидagi ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда Жамшид ўроқовнинг салкам 4 йил давомида вилоятда амалга оширган ишлари эътироф этилди.

Таълимга эътибор – келажакка эътибор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасини халқ таълими тизими ходимлари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатди.

Унда кўтарилган барча масалалар, белгиланган вазифалар ўта муҳимлиги билан аҳамиятли. Айниқса, Президентимиз томонидан 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим", деб ном берилиши юртимизда барча ислохотлар замири "Инсон кадри учун" деган тамойилга асослангани яна бир бор исботлади. Бугун мамлакатимизда илм-фаннинг ривожланиши, юртимизнинг замонавий технологиялар асосида равақ

топишида таълим тизимига эътиборни кучайтириш энг долзарб масала ҳисобланади.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида жорий йилги Инвестиция дастурига мувофиқ 40 та умумтаълим мактабида (2 та янги мактаб қурилиши, 29 та реконструкция ва 9 та мукамал таъмирлаш) қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мазкур қурилишларга 197 миллиард сўм маблаг сарфланди. Қўшраб туманидаги 65-, 75-, Нуробод туманидаги 39-мактаб филиалларига сендвич панелли янги бинолар қуриб берилди. Самарқанд шаҳридаги 59- ҳамда 60-максус мактаб-интернатларининг бинолари таъмирланиб, қў-



шимча ўқув бинолари бунёд этилди.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбарининг "Тақдиримизни муаллим, мураббий ҳал қилади", "2023 йилда Ўзбекистонда 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Икки сменалик таълимни йўқ қиланмиз", дея таъкидлагани мамлакатимиз халқ таълими тизимига амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

ШОКИР СУЛТОНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ УЧУН

Янги йил байрами арафасида вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида, хусусан, Самарқанд шаҳридаги деҳқон бозорларида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Жумладан, шаҳардаги "Темирйўл деҳқон бозори"да Паст Дарғом, Оқдарё ва Тойлоқ туманлари деҳқон, фермерлари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон нархда шаҳар аҳолисига етказиб бермоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қорхоналар ҳам байрам дастурхони учун сифатли маҳсулотларини бозорга чиқарган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган байрам ярмаркасида учта туман бириктирилган ва улар белгиланган ҳажмда ўзлари

етиштирган маҳсулотларини келтириб, бозордагидан 30 фоизгача арзон нархда сотишмоқда, - дейди "Темирйўл деҳқон бозори" МЧЖ директори ўринбосари Жасур Жўраев. - Ишлаб чиқариш қорхоналари эса озиқ-овқат, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, салқин ва спиртли ичимликлар келтирмоқда. Бундан ташқари, вилоят бозорлар уюшмаси жамғармаси ҳисобидан килограмми 10 минг сўмдан шаккар, 17 минг сўм (1 литр)дан кунгабоқар ёғи сотилмоқда.

Шаҳардаги "Сиеб деҳқон бозори"да Булунғур, Ургут ва Самарқанд туманлари деҳқонлари 10 декабрда бошланган савдо ярмаркасида ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Бозорнинг тўқин бўлиши харидорнинг кай-

фиятини кўтаради, арзон нархда бўлса, ҳар бир кишига байрам кайфиятини улашади, - дейди Булунғур тумани қишлоқ хўжалик бўлими мутахассиси Музаффар Абдуҷабборов. - Шу боис туманимиз деҳқонлари мева-сабзавот, гўшт, картошка, туҳум, ларранда гўшти ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириб сотмоқда. Байрам ярмаркаси учун етарли миқдорда захира шакллантирилган.

Ярмарка иштирокчилари учун бозор маъмурияти томонидан 100 дан ортиқ савдо ўрни ажратилган. Бозорда килограмми 70 минг сўмдан сотилаётган гўшт ярмаркада 60 минг сўм, бошқа маҳсулотлар ҳам арзон нархда харидорларга таклиф этиляпти.

Савдо ярмаркалари 2023 йил 5 январгача давом этади.

Ў.ҲУДОЙБЕРДИЕВ,
Б.МУСТАНОВ (сурат).



ЯНГИ ФАРМОН ВА ҚАРОР БИЛАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Давлатимиз раҳбари томонидан "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар билан 2023 йил 1 январдан бошлаб: Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган ижро органлари сони 61 тадан 28 тага, шу жумладан, вазирликлар сони 21 тагача қисқартирилмоқда. Бунда, 20 та идора тўлиқ тугатилмоқда.

Барча вазирликларнинг штатлари 30 фоизгача қисқартирилади.

Илғор хорижий тажрибалар асосида давлат бошқаруви идоралари фақат вазирлик, кўмита, агентлик ва инспекциядан иборат бўлади. Бунда, вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоққа кирувчи кўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Ҳукуматда амалдаги 8 нафар Бош вазир ўринбосари ва 3 нафар Бош вазир маслаҳатчиси лавозимларидан фақат 4 нафар Бош вазир ўринбосари қолдирилади.

Бош вазир ўринбосари бир вақтнинг ўзида вазир ёки бошқа раҳбарлик лавозимини эгалламайди ҳамда вазирликлар ва бошқа давлат идоралари фаолиятини тўғридан-тўғри бошқармайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида амалдаги 269 та штатдан 120 таси қолади. Бунда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича котибиятлар, департаментлар ва улар ҳузуридаги бўлимлар, шуниингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўлимидан иборат Вазирлар Маҳкамаси аппарати тугатилмоқда.

Унинг ўрнига Ҳукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир котибияти ташкил қилинмоқда.

Вазирларнинг сиёсий мақоми, ваколатлари, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги сиёсий масъулияти ҳамда жавобгарлиги кескин оширилмоқда. Уларнинг соҳага ажратиладиган маблағларни ишлатишдаги мустақиллиги белгиланмоқда.

Шуниингдек, ажратилган маблағлар ва умумий штат бирлиги доирасида вазирларга ўз тузилмасини мустақил белгилаш ваколати берилмоқда.

Вазирлар конституциявий мақомидан фойдаланган ҳолда, Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлайдиган тизим жорий этилмоқда. Яъни, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар вазирлар иштирокида муҳокама қилиниб, коллегалар ҳал этилади.

Вазирлар янги қарор лойиҳаларини ўзлари ишлаб чиқади, қарор лойиҳасининг долзарблиги, ташкилий-молиявий

механизмлари ва қўллаётган натижаларини Ҳукумат аъзолари олдида ўзлари ҳимоя қилади.

Вазирлик ва идораларнинг функциялари қайта кўриб чиқилиб, бир-бирини такрорлайдиганлари қисқартирилади. Бунда, ҳусусий секторга ўтказилаётган давлат функциялари камида 3 баробарга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар бир вазирликнинг йил давомида эришиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгиланади.

Вазирлар ҳар йил бошида ўзининг ўринбосарлари кесимида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиши бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қилади. Худди шу каби вазирликларнинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари ҳам мақсадли кўрсаткичларга эришиши бўйича ҳудудий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, жамоатчиликка тақдим қилади.

Вазирлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг йил якунига қадар ушбу дастурлар ижроси ва мақсадли кўрсаткичларга эришилганлиги юзасидан очик ҳисобот бериши белгиланмоқда.

Давлат бошқарувида очиклиқни таъминлаш, рақамли бошқарув моделига ўтиш мақсадида вазирликларнинг буйруқ ва қарорларини "Е-қарор" электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Давлат бошқаруви аппаратини сақлаш харажатларини қисқартириш мақсадида вазирликларда масофавий "онлайн қабул", "виртуал ташир" каби замонавий технологияларга асосланган иш услублари кенгайтирилади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТИЗИМИНИ ҚЎЙИДАГИ ВАЗИРЛИКЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ:

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;
3. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги;
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги;
5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;
6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;
7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;
8. Табиат ресурслари вазирлиги;
9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги;
10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
11. Сув хўжалиги вазирлиги;
12. Рақамли технологиялар вазирлиги;
13. Адлия вазирлиги;
14. Транспорт вазирлиги;
15. Маданият ва туризм вазирлиги;
16. Мудофаа вазирлиги;
17. Энергетика вазирлиги;
18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
19. Ташқи ишлар вазирлиги;
20. Ички ишлар вазирлиги;
21. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Самарқанд вилоятига хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, янги туризм инфратузилмаси объектилари салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, янгидан модернизация қилинган Самарқанд халқаро аэропортида хорижий авиаташувчи компаниялар учун барча имкониятларни яратиш, ҳудуднинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва диверсификация қилиш мақсадида:

1. 2021 йил 30 ноябрь – 3 декабрь кунлари Испания Кироллигининг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 24-сессиясида 2023 йилда Бош Ассамблеянинг навбатдаги 25-сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда "Хунарманд" уюшмасининг:

республика ҳудудларида ва хорижий мамлакатларда Самарқанднинг туризм салоҳияти ҳамда Самарқанд халқаро аэропорти (кейинги ўринларда – Аэропорт) имкониятларини намойиш этувчи "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" тарғибот кампаниясини йўлга қўйиш;

Самарқанд вилоятини авиа, темир йўл ва автомобиль транспорти билан боғланган ҳамда Аэропорти республика ҳудудлари билан боғлаш имконини берувчи йирик транспорт-логистика хабиға айлантириш; Аэропортда хорижий авиаташувчилар учун мўқобил жойлаштириш (базировка) тизимини жорий қилиш;

Самарқанд вилоятидаги туристик объектиларнинг фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Белгиланган қўйилсинки:

а) Аэропортда:

2030 йил 1 январга қадар хорижий авиакомпанияларнинг парвозларини амалга ошириш учун Аэропортни бошқариш бўйича хусусий шерик (кейинги ўринларда – хусусий шерик) ҳам рухсатнома олиш учун Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фўқаро авиацияси агентлигига илтимоснома билан мурожаат қилиди; учиш учун рухсатномани бериш масаласи

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фўқаро авиацияси агентлиги томонидан авиакатновларни амалга ошириш учун хорижий авиакомпаниялар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар топширилган кундан бошлаб қўйи билан 96 соат давомида, чартер парвозлар учун эса 24 соат давомида қўриб чиқилади;

туристларга хизмат кўрсатиш учун туризм ахборот марказлари ташкил этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги "Фўқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5100-сон қарори 12-банди қоидалари хусусий шерикка ҳам татбиқ этилади;

в) 2026 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектлари:

– белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан, 4 юдузли ва ундан юқори тоифага эга бўлган меҳмонхонани ташкил қилиш ва ёки фаолиятини амалга ошириш учун асбоб-ускуналар, махсус техникалар, ёқилғи-мойлаш материаллари, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлари, хомашё ва материаллар, ўсимликлар, мебель, инвентарлар ва бошқа зарур бўлган товарларни олиб кирганда, божхона божини тўлашдан;

– Самарқанд туристик маркази ҳудудида объектларни қуриш учун "вақтинча олиб кириш" божхона режимига олиб кириладиган махсус техникалар, механизмлар ва технологиялар учун даврий божхона тўловларини тўлашдан озод этилади.

4. Самарқанд вилоятининг Пайарик, Самарқанд ва Тойлоқ туманлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сон қарори

билан тасдиқланган Меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туман ва шаҳарлар рўйхатига киритилсин.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари ҳулосалари асосида Пайарик, Самарқанд ва Тойлоқ туманларида туристик зона чегараларини белгилаш тавсия этилсин.

5. Туризм ва маданий мерос вазирлиги уч ой мўддатда:

2023 йилда Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессиясини (кейинги ўринларда – Бош Ассамблея 25-сессияси) юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишни; "Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" тарғибот кампаниясини ташкил этиш ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти билан келишув асосида Бош Ассамблея 25-сессиясининг логотипини ишлаб чиқишни;

2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган тадбирлар ва анжуманлар графигини ҳамда 2024 йилда Хива шаҳри "Ислоҳ дунёсининг туризм пойтахти" ҳамда Шаҳрисабз шаҳри "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти" мақомини олганлиги муносабати билан ўтказиладиган чора-тадбирлар режасини тасдиқлашни назарда тутувчи қарор лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки:

Бош Ассамблея 25-сессиясини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

"Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" тарғибот кампаниясини ташкил этиш ва Бош Ассамблея 25-сессиясининг логотипини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги ва "Uzbekistan Airports" АЖ билан биргаликда 2023 йилнинг биринчи чорагида ихтисослаштирилган компанияларни жалб қилган ҳолда Самарқанд шаҳрида "Aviation & Logistics Forum" II халқаро авиация форумининг ўтказилишини таъминласин.

7. "Uzbekistan Airports" АЖ хусусий шерик билан биргаликда бир ҳафта мўддатда слотларни тасдиқлаш тўғрисидаги регламентни ишлаб чиқиш, тасдиқласин. Бунда, авиакомпанияларнинг парвозларни амалга оширишни режалаштириш учун аризаларни (сўровлари) "Uzbekistan Airports" АЖ томонидан хусусий шерик билан келишилгандан сўнг ваколатли органга тақдим этилиши тартиби назарда тутилсин.

8. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ой мўддатда Самарқанд туристик маркази ҳудудида чет эллик шахслар учун бож олимайдиган савдо дўконларини ташкил этишни таъминласин.

9. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой мўддатда Самарқанд туристик маркази ҳудудида музейлар, галерейлар, маданий-томоша ҳамда маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда туристларни жалб қиладиган бошқа кўнгилочар ва спорт масканларини ташкил этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини Администратсияга тақлиф қилинсин.

10. Транспорт вазирлиги:

а) 2023 йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларни жалб қилган ҳолда шаҳарлар ва халқаро йўналишларда автобус (микроавтобус) қатновларини ахборот технологияла-

ри орқали йўлга қўйишга қаратилган тизимни яратсин. Бунда, шаҳарлар ва халқаро йўналишларда автобус (микроавтобус) қатновлари тизимида:

чипталарни "Uzbus" платформасида харид қилиш тартиби;

аҳолининг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда мавжуд шаҳарлар ва халқаро йўналишлар бўйича автобусларнинг ўз вақтида ҳаракатланаётганини мониторинг қилиш мақсадида автобусларга GPS қурилмаларини ўрнатиш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ягона платформа яратиш назарда тутилсин;

б) "Uzbekistan Airways" АЖ билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар юридик шахслар томонидан шахсий кабинет орқали гуруҳ йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда мобил иловалар орқали чипталар мавжудлигини кузатиш ва онлайн бронь қилиш имкониятини назарда тутган ҳолда авиачипталар онлайн савдоси ҳажминини ошириш чораларини кўрсин;

в) "Uzbekistan Airports" АЖ ва хусусий шерик билан биргаликда Аэропортда авиаташувчилар учун мўқобил жойлаштириш тизимини жорий қилиш чораларини кўрсин;

г) Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мўддатда зиёрат туризмни ривожлантириш ва туристлар сонини мақсадли кўрсаткичларда белгиланган миқдорларга етказиш учун Индонезия, Малайзия, Япония, Бангладеш мамлакатларидан келаётган туристларни жалб этиш мақсадида хорижий ва учинчи давлат авиакомпаниялари томонидан халқаро аэропортларда жорий этилган "Очиқ осмон" режими доирасида авиопарвозларни амалга оширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Туризм ва маданий мерос вазирлиги: Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Транспорт вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда зиёрат туризми дастури бўйича хорижий авиакомпанияларни кенг жалб қилиш;

"Uzbekistan Airports" АЖ ва хусусий шерик билан биргаликда 2023 йил 1 февралга қадар Аэропортда туризм ахборот марказини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши (Ж.Ходжаев) икки ҳафта мўддатда импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари учун белгиланган божхона тўловлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш, тақлиф қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р.Маҳаматов, туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Б.Ибрагимов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазири ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 31 декабрга қадар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 24 декабрь

2022 ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисmini қайтариш бўйича 2022 йил сентябрь ойидан "Кэшбек" тизими махсус платформаси ишга туширилди. Самарқанд шаҳрида янги Турист марказ ва Самарқанд аэропорти ишга тушди, шунингдек 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, бошқа кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари фаолияти йўлга қўйилди ҳамда шаҳар "Янги туризм дарвозаси", Янги Ўзбекистоннинг "ташриф қоғози"га айланди.

Кўп қаватли уйлар бошқарув тизими ўзгарди

Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.



– Бугунги кунда вилоятимизда 2088 та кўп қаватли уй мавжуд, – дейди вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Б.Неғматов. – 2 қаватдан 16 қаватгача бўлган бу уй-жойларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш мақсадида зарур чора-тадбирлар қўрилмакда. Бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида 82 та уйнинг 28,6 минг квадрат метр томи қисми капитал ва жорий таъмирланди. 119 та уйнинг кириш йўлакларини, 53 тасининг ертўласи, 34 тасининг ички муҳандислик тармоқларини, 84 тасининг ташқи томони таъмирлаб, аҳоли учун қулайлик яратилди. Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан кўп қаватли уйлардаги 27 та лифт алмаштирилди. 10 та лифт ускуналарини таъмирлаш ишлари якунига етмоқда. Кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар домида 8 минг квадрат метр пиёдалар йўлакларига бетон қопламаси ётқизилди, 14 та болалар майдончаси ташкил этилди.

Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларни иситиш ва иссиқ сув етказиб бериш масаласи олдимизда турган энг катта вазифалардан бири ҳисобланади. Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган лойиҳа асосида қозонхоналарнинг модернизация қилиш ишлари давом этмоқда. Яқин кунларда марказий қозонхонадаги ишлар якунига етказилиб, шаҳарнинг бир қисми аҳолисида иссиқ сув етказиб бериш бошланади. Кейинги йил-

ларда бу борадаги муаммоларга тўлиқ барҳам берилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп қаватли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра, шу пайтгача вилоятдаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келган 177 та уй-жой мулкдорлари ширкати тугатилиб, 29 та бошқарув сервис компанияси ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 10 та, Каттақўрғон шаҳрида 5 та, туманларда эса биттадан бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманидан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари Самарқанд шаҳридаги "Bio-tex-servis" бошқарув сервис компанияси фаолияти билан танишди.

– Компаниямиз 515 та кўп қаватли уйнинг 21 минг 700 дан ортиқ хонадонига хизмат кўрсатмоқда, – дейди "Bio-tex-servis" бошқарув сервис компанияси раҳбари Азизхон Расулов. – Албатта, ишни бошлаш осон кечмапти. Жорий йилнинг август ойидан фаолиятимизни бошлаган бўлсак, бугунги кунгача ҳам ташкилий масалалар билан боғлиқ айрим муаммолар учрамоқда. Айниқса, тўловлар борасидаги чалқашликлар билан масалалар энг оғирлиги муаммо бўлиб турибди. Ушбу масалаларнинг ўзи ҳам соҳада сифатли бошқарув тизимини зарурлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда компанияда 24 соатлик диспетчерлик хизмати жорий қилинган бўлиб, 128 нафар ходим томонидан аҳолига 48 йўналиш бўйича сифатли хизмат кўрсатишмоқда.

НОҲАҚ ИШДАН ОЛИНГАН ХОДИМ

вазифасига тиклана оладими ёхуд қонун нега амалдорлар учун ишламайди?

Аслида доимий иш ўрнига эга одамни эгаллаб турган вазифасидан озод қилишдан осони йўқ. Бу иш қонуний амалга оширилган бўлса, ҳўп, лекин раҳбарнинг шахсий хусусмати ёки ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларига таласчанлиги бугундан ноқонуний бўшатирилган бўлса-чи? Ортундай ҳолатлар, яъни меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан қонунчиликка зид тарзда бекор қилиш ҳолатлари кўп учрайпти. Воқеликнинг ёмон томони шундаки, бунда кейинчалик ҳам адолат қарор топмайпти. Нега?

Суд қарори яқун эмас...

Фўқаролик ишлари бўйича туманлараро судида меҳнат низоисига оид суд қўрилди. Суд мажлиси якунида судья меҳнат шартномаси бекор қилинган (ишдан бўшатирилган) ходимни (айрим ҳолларда раҳбарни) ишга тиклаш, иш берувчининг буйруғини ғайриқонуний, деб топиш ҳамда моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида хал қилув қарори қабул қилиди.

Айрим ҳолларда суд ишдан бўшатишга оид буйруқни расмийлаштиришда жиддий қонунбузарликлар бўлганлиги сабабли алоҳида хусусий ажрим ҳам чиқарилади. Майли, ҳозир буниси муҳиммас.

Лекин суд қарори чиққанидан кейин "бўлди, адолат тикланди", деб шодланган ходимнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмайди.

Чўнқи кўп гувоҳ бўлганимиз, ишга тиклаш борасидаги



ижро ҳужжати билан Мажбурий ижро бюроси туман ёки шаҳар бўлими шуғулланади. Иш берувчига уларнинг "қучи етмайди" (натيجаси шундоқ ҳам кўриниб турган ҳолатга негацир яна бир уриниб кўрилади). Кейин иш МИБ вилоят бошқармасига ўтади.

Табиики, бу орада қанчадир мўддат ўтади. Лекин аксарият ҳолатларда масала вилоятда ҳам хотима топмайди. Улар тегишли ташкилотга хат чиқариб, шу билан "қўтилиб" қўя қолади. Билдики, иш берувчи собиқ ходимни очикчасига ишга тикламайди.

Савол, суд ходимини ҳуқуқлари бузилган, иш берувчини ноҳақ, деб топса, жабрдаида яна фўқаро бўлиши керакми? Фикримизча, айна шу масала давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва халқимизга мурожаатида бежиз тилга олинмади. "... Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги,

судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмади қалайтгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда", деди Президент.

МИБдан умид йўқ

Амалдаги тартибга кўра, масала ишга тиклаш бўлган учун дарҳол ижро қилиниши лозим. Бу масала "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Қонунчиликда шунингдек, ижро ҳужжатини ижро этмаслик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам белгиланган.

Мажбурий ижро бюроси органи айна шундай қонунбузарларга нисбатан албатта, жавобгарлик чораларини кўради. Жумладан, фўқароларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-1-моддасидаги маъмурий жарима чораларини қўллагани бўйича ўнлаб мисолларимиз бор. Лекин суд ҳужжати ижро қилмай ва Мажбурий ижро бюросининг талабини бажармай, қонунни бузаётган амалдорларга қўрилган чора ҳақида эса йўқ.

Яшириб нима қилдик, бу ҳақда бир неча марта вилоят МИБ дан маълумот сўраганимиз. Ҳар сафар "Ҳозирча йўқ, бўлса, хабар қиламиз", деган жавоб олганимиз.

Асосий қонунимизнинг 18-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасида барча фўқароларга бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар".

Унда нега ишга тиклаш ҳақидаги ижро ҳужжатини ижро этмаётган амалдорларга нисбатан қонуний жавобгарлик

➡➡ Муносабат

чоралари кўрилмайди? Конституцияда белгиланган тамойил бузилишига нима учун кўз юмилади?

Оқибатлари-чи?

Қўйилаётган бу саволларга Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросидаги жавоб олишимизга ишончимиз йўқ. Лекин ҳолат турли оқибатларни келтириб чиқараётганини унутмаслигимиз керак.

Биринчидан, ноҳақ ишдан бўшатирилган ходим суд қарори билан қонунчиликда белгиланганидек, дарҳол ишга тикланмаслиги айрим раҳбарларда жамоани "ўзи хоҳлаган" тарзда шакллантиришга иштиёқ уйғотмоқда.

Энг ёмони, улар қонунни ўз измига бўйсундириш мумкинлигига ишониб борапти.

Иккинчидан, фўқароларда давлат сиёсати, шу жумладан, суд идорасининг адолатига, қолаверса, қонунларимизда белгиланган адолатли тамойилларга ишонч йўқолмоқда.

Бу икки ҳолат давлат ҳокимиятининг муҳим бўғини бўлган суд органларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жамиятдаги обрў-эътибори пасайиб кетишига олиб келяпти. Албатта, воқеликларнинг бундай тарзда ривожланишига жим қараб туриб бўлмайди. Шу боис Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида учинчи йўналиш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлиги қайд этилди.

Хулоса ёхуд тақлиф ўрнида

Аслида суднинг адолати, унинг таъсир қучи чиқарган ҳужжатлари ва уларнинг ижроси билан таъсирли. Агар ижроси бўлмаса, у бир парча қоғоз, холос.

Шу боис Мажбурий ижро бюросининг вазифа ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқиш керак.

Ё.МАРҚАЕВ.

“УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган янги*

2023 йил

билан самимий қутлайди.



“ЩЁЛКОВО АГРОХИМ-ЎЗБЕКИСТОН”

РОССИЯ-ЎЗБЕКИСТОН

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
кириб келаётган*

Янги йил

билан самимий табриклайди!

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр,
мамлакатимиз мустақиллиги ва
озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш
борасидаги фаолиятингизда улкан
муваффақиятлар тилайди.



“САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

*юртдошларимиз,
шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаси
ходимларини яқинлашиб келаётган янги*

2023 йил

билан муборақбод этади!



ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги “BIM 1” масъулияти
чекланган жамият (СТИР: 307744628) ўз устав фон-
дини 700 000 000 (етти юз миллион) сўмдан 50 000
000 (эллик миллион) сўмга камайтириб, 650 000 000
(олти юз эллик миллион) сўм этиб белгиламоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча
даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой даво-
мида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли
кўчаси, 48-уй, 1-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шав-
катович нотариал идорасида марҳум Уразкулова
Санавар Уразкуловнага (2022 йил 12 апрелда вафот
этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Ак-
малжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жо-
ний кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухид-
динович нотариал идорасида марҳум Муктаров Абдусайдга
(2012 йил 12 декабрда вафот этган) тегишли мол-
мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан
меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович
нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кў-
часи, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна
нотариал идорасида марҳум Ротеева Хайрига (2005
йил 21 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун
мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос-
хўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал
идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жо-
ний кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна
нотариал идорасида марҳум Рахимов Шарофга (2021
йил 25 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун
мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос-
хўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал
идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жо-
ний кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна но-
тариал идорасида марҳум Хамдамова Саёрага (2019
йил 10 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк
учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан
меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал
идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек
кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Турсунов Сухроб Берди-
кулович нотариал идорасида марҳум Урунходжаев
Кабир Мирзожаевга (2018 йил 1 декабрда вафот
этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Турсунов
Сухроб Бердикулович нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси,
200-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухид-
динович нотариал идорасида марҳум Нуриддинов
Фазлига (2018 йил 10 декабрда вафот этган) те-
гишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу
муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камо-
лиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кў-
часи, 35-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Пайарик туманидаги Сориева Дилфуза Тойировна
якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 621992550)
думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги
сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги “Хўжа соат” маҳалла фуқаро-
лар йиғинининг думалоқ муҳри йўқолганлиги са-
бабли бекор қилинади.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

“Зарафшон” газетасининг 2022 йил 24 декабрь
152-153-сонини 7-саҳифасида “БЕКОР ҚИЛИНАДИ”
сарлавҳаси остида “APEX INSURANCE” акциядор-
лик жамияти “Туркистон” филиалининг (СТИР:
305684696) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Ушбу
муҳр топилганлиги сабабли мазкур эълон ҳақиқий
ҳисобланмайди.

ЧОРДАРАдан ЧИҚКАН ХАЛҚ ШОИРИ

Самарқандда шоирлар кўп, лекин халқ шоири номига сазовор бўлган оташнафас адиб Хуриш Даврон билан бир туманда туғилганимиз фахрлинишга эригулик. Чунки унда ватанпарварлик туйғуси шунчалар кучлики, тарихга бой ўлкамиз ўтмиши билан қизиққанлар буни кўп бор эътироф этганлар.

Унинг катта адабиётга кириб келиши 1976 йили "Гулистон" журналда устоз шоир Эркин Воҳидовнинг "Оқ йўл"и билан бошланган бўлса-да, шеърятга бўлган иштиёқ юрагига анча илгари кириб келганини шоирнинг ўзи шундай эслайди:

"...Бир пайтлари қишлоғимиз мазори ёнидаги ариқдан ҳатлаб ўтсангиз, ўлка тепаликка дуч келардингиз. Болаликда ҳамма нарса катта туюларкан. Мен ҳозир ҳатлаб ўтсангиз дедим-у, аслида бу ариқ болалик пайтида каттакан сойдай, тепалик эса тоғдай бўлиб туюлган ёнида. Мана шу тоғдай тепаликка чиқиб варрак учирардик. Ҳар сафар бу тепалик устига чиққанимда олисдаги тоғларга тикилиб хаёл сургим келар, хаёл сурганим сайин йирокдаги тоғлар бутун ҳайбати ва залвори билан яқинлашар, охири уларнинг мовий қучоғига сингиб кетганимни билмай қолардим. Хуллас, ўша тепалигу олисдаги мовий тоғлар мени шоирга айлантирган бўлса ажабмас."

"Мен Самарқанд яқинидаги қишлоқларнинг бири — Чордарада туғилганман, — деб ёзади адиб ўзининг хотирларида. — Мана шу қишлоқда она тарафдан бўлган бобомнинг кўргони бўлган. Кўргоннинг атрофи мевазору узумзорлар ўраб турган. Кўргоннинг тўрт томонида дарвозалари бўлган, шу сабабдан бу жойни одамлар "Чордара" ("Тўрт эшикли", "Тўрт дарвозали" маъносидан) деб атай бошлашган. Вақт ўтиб, кўргон атрофида шаклланган қишлоқ ҳам Чордара номига олган."

Хуриш Даврон 1952 йилнинг 20 январидан Самарқанд туманининг Чордара қишлоғида туғилган.

"Еттинчи синфда ўқиган пайтларим шеър ёза бошладим, — деб ёзади шоир. — Аммо шеър ёзишимни ҳаммадан яширдим нима учундир, билмайман, улардим. Барбери, кунлардан бир кун бу сир ошкор бўлди. Ўша пайтлар оқшом тушиши билан ўсмир юрагимда китобга, адабиётга меҳр уйғотган, она тили ва адабиёт муаллимаси бўлиш Сўбҳа холам (Оллоҳ раҳматига олсин) қондонига йўл олардим. ...Холам қўлидаги қоғозларнинг бирини кўрсатиб: "Лекин, мана бунақа шеърлар ёзма", — деди жиддий. Мен қайси шеър экан, деганча қоғозга тикилдим. Гўри Мирга бағишланган шеър экан.Эсимда қолган сатрлари:

Гўри Мир гўнбази бор

Самарқанд ўртасида.

Унда Амир Темур ётар

Болалари ўртасида.

Бутун ўша пайтдаги шеърларининг нақадар жўн, ибтидоий бўлганини биламан. Аммо ўша пайтларда... Ўша пайтларда мен ҳали Амир Темур ҳақида ёзиш мумкин эмаслигини билмасдим.

Ўша сирим фож бўлган кунни холам Гўри Мирга бағишланган "шеър"имни нега ёганимни сўраб қолганида тушунтириб бера олардимки, йўқми, билмайман. Аниги, тушунтириб беролмаган бўлардим. Мана, энди биламан: Сохибқирон бобомизнинг номи тилга олинмаган ўша пайтларда ҳам халқ юраги, хотираси уни унутмагани учун ёзган эканман бу шеърни. Самарқанд ҳавоси бу шавкатли инсонга бўлган меҳр-муҳаббат билан тўйингани учун ёзган эканман болаларча хом бу сатрларни. Чунки мен ҳам ўша ҳаводан нафас олардим.

Ҳамон шу ҳаводан нафас оламан..."

Хуриш Даврон ўрта мактабни тугатган, 1969 йили Тошкент давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиди. 1971-1973 йиллар давомида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганидан сўнг ўқишни давом эттирди ва кейин анча вақт турли



нашриётларда меҳнат қилди.

Шоирнинг 1979 йили чоп этилган "Қадрдон кўёш" ва "Шаҳардаги олма дарахти" шеърый тўпламларидан сўнг "Тунги боғлар" (1981), "Учиб бораман қушлар билан" (1983), "Тўмариснинг кўзлари" (1984), "Болаликнинг овози" (1986), "Қақшус" (1987), "Самарқанд ҳаёли" (1991) китоблари нашр этилди.

Бундан ташқари, "Сохибқирон набираси" (1995), "Шаҳидлар шоҳи" (1997) каби тарихий қиссалар, "Мирзо Улуғбек", "Бобур шоҳ", "Аврамзеб" каби тарихий мавзуларга кўп мурожаат қилиш сабаби:

"Бунинг боиси энг аввало, Ватаним севишда деб ўйлайман. Унуман олганда, инсоннинг бу дунёда яшашдан муроду мақсади ҳам муҳаббатга боғлиқдир. Инсонни яратган ҳам муҳаббатдир. Аллоҳга сиғиниш замирида ҳам муҳаббат ётади. Кимнидир, ниманидир севиш кишигина ижод қилиши, тўлақонли яшаши, нимагадир эришиши мумкин."

Тарихимизни билмасак, боболар меросидан хабарсиз бўлсак, яъни муҳаббатимизнинг нанбаидан бебаҳра бўлсак, узоққа кетолмаймиз. Тарих юракларга ишонч ва умид қонини қуювчи, мазмунни қайта яратиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўъжизадир. Унинг маънавий қудрати билан аждодларимизга ҳаммаму ҳамнафас бўлишимиз, қачонларидир бўлиб ўтган, аммо ханузгача бизни ҳаяжонга соладиган, фахр ва ғуруримизга сабабчи бўлган тарихий воқеалар дунёсига шерик бўламиз ва буларнинг барчаси Ватанимизда теран англашга, сидқидилдан севишга сабаб бўлади.

Шоир адабий жараёнинг ҳаётда тутган бутунги ўрни ҳақида қуёнади:

"...Ўзбек адабиётининг энг оғир томони, аввало, адабий жараён профессионаллашмаганида, яъни ижодкорлик асосий ҳаёт тарзига айланишида, у ҳаммаму қандайдир иккинчи ўринда қолиб кетганида. Ижод ХХ аср (бугун ҳам) ўзбек ёзувчиси учун ҳаммаму турмуш деган очоқдан кейинги ўринда турган. Сўз олдидаги бурч ва насулият ҳақида адолатли ва чиройли гаплар айтиб, бу ҳолатдан кўз юниш мумкин-дир, аммо иситмаси ошкор қилаверди."

"Мойчироғу лампачирик ёруғида шундай тенгсиз сатрлар ёзилган", дейимиз. Тузукроқ уй-жойсиз яшган, ижод қилган Машрабу Мукумийни мисол келтирамиз. Аммо муайян маънода фаровон ҳаёт кечирган

биргина Алишер Навоий қолдирган мерос гап айнан ижодкор қандай шароитда яшагани билан ҳам боғлиқлигини исботлайди.

Хуриш Даврон ижодкорнинг эътиқоди ҳақида айрим "устоз"ларни аяб ўтирмайди:

"Ҳар қандай шоир уносирнинг иймону эътиқод, жасорату қатъиятсизлик ҳақидаги гапи билангина ижодкор хусусида тугал хулоса қилишга шошилмаслик керак. Мен юксак ва баландпарвоз гапларни қалаштириб ташлаган, аслида эса ҳаёт ва ижоднинг ҳар бир қадамида иродасизлик ёки юзсизлик қилган қанчадан қанча ақли қаламни кўрганман. Шу сабабданми, менда "Ижодкорни узоқдан яхши кўриш керак", деган тушунча шаклланган. Айрим ана шундай қанчалик истеъдодли бўлиши билан шунчалик майда бўлган қаламқашларни ҳам биламан. Биргина мисол келтирай: Бундан бир неча йил аввал, аниқроғи, "Ёшлик" телеканали бош директори бўлиб ишлаб юрганымда марҳум Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижоди ҳақида бир кўрсатув тайёрлаб, намоиш этилганда, бир катта шоиримиз, менга кўнғироқ қилиб, уятсизларча "Бу ўлганларни тинч қўйсизларми, ҳадеб осмонга кўтараверасизларми?", деб катта жанжал кўтарган эди. Ўзига бағишланган кўрсатувлар ҳафтаю ойда берилётганига қаранмай, бошқалар ҳақида икки йилдани, тўрт йилдани бир кўрсатув берилишига тоқат қилолмаган бундай "устоз"ларни майда демая, нима дейиш мумкин? Бу ўларнинг фақат оғизда юксак гапларни айтиб, амалда инсофу адолатга зид ишларни қилишга одатланганларини кўрсатади, холос."

Еш ижодкорларга шоирнинг қуйидаги маслаҳати ўғит вазифасини ўташи мумкин:

"Ёшлик, энг аввало, шаклланиш жараёнидир. Шунинг учун ёшлик навсумида ғайбдан берилган қобилиятини тинимсиз изланиш билан уйғун эта олган ижодкоргина кўзлаган мақсадга етгади, деб ўйлайман. Бу ўринда "изланиш"ни фақат қоғоз қоралаш деб тушунамаслик керак, бу, менинг назаримда, ҳаётни, табиатни, инсонни ўрганиш демакдир. Шу мақсадда ижодкор ўзидаги бор имкониятни сафарбар этмоғи; тили, кўзи, қулоғи, фаҳм-фаросати, илми-билими, хотираси, заковати унинг ўрганиши йўлида узулсиз хизмат қилоғи лозим. Ижоддан мурод ҳам битта — ўрганиш, изланиш!"

Телевидениеда кўрсатувнинг бош қаҳрамонлари фақат артистлардан иборат бўлиб қолаётгани ҳақида шоирнинг фикри:

"...Мен узоқ вақт телевидение соҳасида ишладим. ...айрим телеканалларда деярли ҳамма кўрсатувларнинг бош қаҳрамонлари фақат артистлардан, ...иборат бўлиб қолаётгани жуда ачинарли ҳол. Тўғриси айтий, кўпроқ миллий қадриятларимиз томонга қараш ўрнига асосан Ғарбга, Россия каналларига қараб иш тутишининг натижаси бу. Бундай вазиятнинг пайдо бўлишига бевоқифа канал раҳбарлари айбдор деб ҳисоблайман. Аммо "Маънавият ва маърифат", "Ўзбекистон" каналларида бу аҳволни кўрмаймиз. ...Халқимиз бир пайтлар артист деганда Халима Носирова, Қомилжон Отанизов, Тавакқал Қодиров, Ботир Зокировларни назарда тутган. Уларнинг аъёналарини давом эттиришни мақсад этган ёшлар йўқми? Бор! Болангизга музқаймоқ ёқади, аммо уни фақат музқаймоқ билан катта қилолмайсиз. Асрлар давомида еб юрган шовла, шўрва, ош билан катта қиласиз."

Бугунги енгил эстрада ана шу музқаймоққа ўхшайди. Бола ҳадеб музқаймоқ яласа, охир-оқибат касалга чалинади. Ана шу ҳақиқатни унутмаслик керак.

Хуриш Давроннинг ватанпарварлиги ҳақида гапирдик. Дарҳақиқат, унинг яратган образлари орасида Ватан образи алоҳида ўрин тутганди.

Ҳар кимнинг ҳам бўлсин осмони,
Ўз гуллари бўлсин қалбининг.
Эрқдай улуг Ўзбекистони,
Чексизлиги бўлсин ҳар кимнинг.

Агар ушбу шеърнинг 1973 йилда ёзилганлигини ҳисобга олсак, ўша турғунлик йилларида "Эрқдай улуг Ўзбекистон" дейиш учун шоирга қанчалик жасорат керак бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Ушбу мақолани тайёрлаш вақтида иш столига шоирнинг 1979 йилда чоп этилган биринчи китоби — "Қадрдон кўёш" номи шеърый тўпламини қўйдим. Мўъжизагина китобчанинг иккинчи бетиде "Адашим Хуришга, азгу тилаклар билан, муаллиф" деб ёзилган дастхат бор. Шеърятга қизиқишимни билиб, китобни шоирнинг синглиси — курсдошим Гулбаҳор Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўқиб юрган кезларимиз тақдим этган. Орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да китобни олгандаги қувончим кечагидек ёдимда.

Хуриш ДАВРОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқидаги ислимий нақшлар

Ўрта Осиё нақшошлик санъати қадимдан дунёга машҳур. Булар ичида ислимий услуб темурийлар даври меъморчилигида жуда кенг тарқалган.

Ислимий нақш ислом оламидаги энг машҳур безак тури бўлиб, у меъморчиликда, уй анжомларини ясада, қўлда ёзилган китобларни безашда ишлатилади. У бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча безак парчасини такоррлаш ва кўпайтириш асосида яратилган. Бунинг учун нақшлар такоррланиши ҳар қандай вақтда, композициянинг яхлитлигини бузмасдан чексиз ва хоҳлаган нуктада яқунланиши мумкин.

Ислимий нақш бир-бирига улашиб кетган ўсимликсимон нақшларнинг такоррланишидан ташкил топган бўлиб, у Самарқанднинг кўпгина тарихий обидаларини безашда қўлланилган. Хусусан, Мирзо Улуғбек мадрасасида бу безак турининг баргак, гул, занжира, меҳроб турларидан кенг фойдаланилган.

Унуман олганда, обида нақшларга бой, ўзига хос кўринишга эга. Оддий ёшт билан безакли ёштларнинг бирга қўшиб ишлатилиши, қошқибурниш ва мармар ўймакорлиги намуналари яхлит бадиийлигини ташкил қилади. Айниқса, мадрасанинг кириш пештоқларини безашда ислимий нақшнинг шаҳарлар номи билан аталган Исфаҳоний, арабий турларидан фойдаланилган.

Мадраса ўзига хос нақшкорлиги билан Шарқ меъморчилигининг энг нодир ёдгорликларидан бўлиб, Ўрта аср мусулмон архитектурасининг ноёб дурдонасидир.

Дилноза ҒАНИЕВА,
Регистон ансамбли гид-экскурсоводи.

Ўзимни имконияти чекланган деб ҳисобламайман

Бу йигитни биринчи кўрган одамнинг ҳаёлидан "Ҳа, энди ҳамма ёшларга ўхшаган ёш-да", деган фикр ўтади. Бироз сўхбатлашгач эса у ҳақидаги фикрингиз таъоман ўзгаради. Унинг шижоати, сабри, интилиши, мақсадларига ҳавас қиласиз.



Қаҳрамонимиз Жўрабек Карвонов 1997 йилда Каттакўрғон тумани Қўшқовуз маҳалласида туғилган. Жўрабек дунёга келганда иккала оёғида ногиронлиги бор эди. Бу кўнглисизликдан унинг ота-онаси ҳам, ўзи ҳам умидсизликка тушмади. Жўрабек мактаб таҳсилини уйда яқна тартибда олган. 2010 йилдан маҳалласида компьютер хизматлари кўрсатишни йўлга қўйди ва ёшларга ҳам бунини ўргатиб келяпти.

Ёшлигимда мен нега бошқа болаларга ўхшайман деб ҳафа бўлардим, кейинчалик бу ҳақда ўйламай ҳам қўйдим, — дейди Жўрабек. — Чунки инсон ҳаётда ўз олдига катта мақсадлар қўйиши ва доим интилиб яшаши керак

экан. Кичкина мағлубият ҳам катта ютуқларга бошлайди. Ҳозир ўзимни имконияти чекланган деб ҳисобламайман. Компьютерда турли дастурларда ишлашни ва асосийси, видеоларни монтаж қилишни биламан. Бўш вақтимда ёшларга компьютерда ишлашни ўргатаман. 2010 йилда тўй маросимларида таклифнома тайёрлаш, видео ва фотосурат хизматларини йўлга қўйдим. Ишларим юришиб кетди. Яқинда маҳалламиздаги ёшлар етакчиси ёрдами билан 33 миллион сўм кредит ажратилди ва янги компьютер олиб берилди. Ижарага битта хона олиб, 3 нафар ёшни ишли қилдим. Келгусида фаолиятимни кенгайтириб, ўқув маркази очмоқчиман.

Баъзида тўрт мучаси соғ бўлиб ҳам ҳаётдан нолиб юрганларни учратамиз. Аслида ҳаётдан нолиш эмас, шароитларни яхшилаш учун ҳаракат қилиш керак. Одамда хоҳиш бўлса кифоя, имкониятларнинг чегараланганлиги аҳамиятсиз.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

Ҳикматдан тўқ бўл, деган мақолани эшитган бўлсангиз керак. Дарҳақиқат, ҳикматда гап кўп, таом вақтинчалик, ҳикмат эса ўлғунчалик. Аввал ҳикматдан тўйиб, ақли бўлиб олинг. Кейин таом.

Азиз ўқувчим! Сабр-тоқатнинг меваси роҳатдир, камбағалликнинг меваси муҳаббатдир. Бекорга сабрнинг таги олтин демайдилар. Сабрли бўлинг, мақсад яқин.

Азиз ўқувчим! Инсон турмуш ўртоғи ва қасбидан зериклиши мумкин эмас.

Таомдан оч бўлсанг ҳам...

Чунки турмуш ўртоғи бир умрлик йўлдош, қасби эса бир умрлик бойлиғидир. Иккиси ҳам ҳаёт учун жуда зарур. Бунини унутманг.

Азиз ўқувчим! Ҳавас резинага ўхшайди. Чўсанг, чўзилаверади, қиссанг, қисилаверади. Ҳавасга кўп ҳам эрк бераверманг. Имконсиз ҳавас бефойда. Аввал имкон, кейин ҳавас.

Азиз ўқувчим! Серпан бўлиш фазилат эмас, балки одамга ярашмайдиган қусурдир. Кўп гап эшакка юк.

Азиз ўқувчим! Ҳақиқат дегани шундай буюк нарсаси, у сизни ҳам тарбиялайди, ҳам тилингизни узун қилиб, ўзингизни кўрқмас қилади. Ҳақиқатдан узоқлашманг.

Азиз ўқувчим! Қалта ўйланган мақсад ярим йўлда қуриб қоладиган дарёга ўхшайди. Манзилга етиб бормайди. Шунинг учун мақсадни бутун қилганингиз маъқул.

Азиз ўқувчим! Ёшлик кексаликнинг пойдеворидир. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, бино ҳам узоқ сақлана-

ди. Пойдеворни мустаҳкам қилинг, кам бўлмайсиз.

Азиз ўқувчим! Или тафаккурни ўстиради, ақлни пешлайди, яшашни ўргатади. Аммо нафсини эмас. Эҳтиёт бўлинг.

Азиз ўқувчим! Илми диний ёки дунёвий деб ажратиш тўғри эмас. Улар фан ёки ҳаётнинг икки тармоғи бўлиб, инсон деган дарёнинг икки irmoғи. Улар шу дарёга қелиб қўйилади. Ҳаёт учун иккиси ҳам зарур.

Чори ҚЎНҒИРОВ,
меҳнат фахрийси,
маориф аълоҳис.



MUASSIS: Samarqand Viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan to'xtatib olingan. Nashr 100. Indeksi 438, 16 347 nusxada chop etildi. Buyurtma 849. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LOMLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Turzunov ko'chas, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitameh ko'chas, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18-30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

D.T.O'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 172 010 667 009 1
Sotuvda narxi belgilangan holda